# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ 1918—1988

## ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

● «Совет Ўзбекистони»нинг биринчи сони бундан 70 йил муқаддам «Иштирокиюн» («Коммунист») номи билан чоп этилганди.

* * *

● Газета 1920 йил 12 декабрдан бошлаб «Қизил байроқ», кейинчалик «Туркистон», 1924 йилдан «Қизил Ўзбекистон», 1964 йилдан эса «Совет Ўзбекистони» номи билан чиқа бошлади.

* * *

● «Иштирокиюн» дастлаб 800 нусхада босилган эди. «Совет Ўзбекистони» ҳозир салкам 900 минг нусхада тарқатилмоқда.

* * *

● Меҳнаткашларни сиёсий руҳда тарбиялашда самарали ишлар қилгани, пахтачиликни юксалтириш учун курашда актив қатнашгани, республика ишчилари, колхозчилари ва зиёлиларини коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар этгани ҳамда 10 мингинчи сони чиққанлиги муносабати билан 1958 йил 3 мартда «Совет Ўзбекистони» («Қизил Ўзбекистон») Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

* * *

● Дастлабки беш йилликлар даврида социалистик Чирчиқ, Катта Фарғона канали қурилишларида ва Фарғона водийси далаларида газетанинг сайёр редакциялари фаол ишлаб турди.

* * *

«Совет Ўзбекистони»нинг республиканинг қарийб ҳамма районларида, шунингдек, РСФСР Ноқоратупроқ зонасида мухбирлар постлари ишлаб турибди.

* * *

Газетанинг жойларда 350 дан ортиқ жамоатчи ва штатсиз мухбирлари фаолият кўрсатяпти. Республикамиздаги йирик зарбдор қурилишларда ҳам газетанинг кўплаб активлари бор.

* * *

Газетани чет эллик мухлислар ҳам ўқишади.

* * *

Редакция газетхонлардан йилига ўртача 26 мингдан ортиқ хат-хабар олиб турибди.

* * *

«Совет Ўзбекистони»нинг республика ҳамма областларида жамоатчилик асосида ишлайдиган қабулхоналари бор.


Пролетарии всѣхъ странъ, соединяйтесь!
اشتراكيون
ИШТРАКІУНЪ (Коммунистъ).

●

«Иштирокиюн» («Коммунист») газетасининг 2-сони ана шундай бўлган эди.

●

## • СЎЗ—ГАЗЕТХОНЛАРГА

### ҲАҚИҚАТ ЖАРЧИСИ

Даъваткор сўз мўъжизакор бўлишини яхши биламан. Бинокор сифатида тан олишим керакки, сўз қудрати меҳнат кишиларини янги марраларни тезкор забт этишга отлантиради, рекордларга чорлайди.

Матбуот сўзи биз учун ҳамиша партия сўзи бўлиб эшитилади. Бизга у янги куч-қувват бахш этади, ҳамкасбларимиз тажрибасидан дарс беради. Шундай ҳам бўладики, янглишганимизда газета тўғри йўлга солиб қўйишга ҳам қодир. Шу маънода отахон газетани биз мураббий дейишга ҳақлимиз.

Бир воқеа ҳамон ёдимда. Шогирдлик муддатини ўтаб, мустақил ишлаётган пайтларим эди. Устозлардан ўрнак олиб, дуруст ишлай бошладим. Нормани ошириб бажарганимда газета менинг шанимга илиқ сўз айтди. Ўша бир оғиз сўз мени мардона меҳнатга ундади. Социалистик мажбуриятларимни ошириб адо этганимда, мукофотларга сазовор бўлганимда, ишда илғор тажрибаларни қўллаганимда... газета сўзининг қудратини қалбдан ҳис этганман.

Севимли газетамиз муборак 70 ёшини нишонлаш арафасида бригадамиз коллективи XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси шарафига қабул қилган юксак социалистик мажбуриятини муддатидан илгари адо этганини маълум қиламан.

**Н. ҚЎЧҚОРОВ,**
**Намангандаги 10-қурилиш тресги комплекс бригадаси бошлиғи, СССР Давлат мукофоти лауреати.**

### ЖАНГОВАРЛИК ЁР БЎЛСИН!

Оддий чўпонман. Лекин мақтаниш эмас, газетхон чўпонман. «Совет Ўзбекистони» газетасига (илгари «Қизил Ўзбекистон» пайтидаям) қарийб 25 йилдан буён обунаман. У менга кўп нарсани ўргатди, айтишим мумкинки, мен учун гўё дорилфунун бўлди. Унинг саҳифаларида бир неча бор чиққанман: гоҳ ўзим ёзганман, гоҳ менинг ҳақимда ёзишган. Ана шу мақолалар, лавҳалар меҳнатимни элга кўрсатди, обрўйимга обрў қўшди, янги-янги марраларга ундади. Бирор йил йўққи, белгиланган план ва мажбуриятларимни бажармаган бўлсам...

Эсимда, қоракўлчиликда қўйларни сунъий қочириш усули (СЖК) кенг тарқалган пайтларда «Совет Ўзбекистони» газетаси икки-уч йил бадалига сурункали туркум материаллар бериб бориб, СЖКга қарши курашди. Мухбирлар, журналистлар биз, чорвадорлар тарафдорлари билан қарши курашишга, ҳузурида тез-тез бўлиб, кўнглимиздаги очиқ фикрни ошкор айтишга, СЖКнинг ҳақиқатни айтишга даъват этдилар. Ниҳоят, биз ғалаба қилдик. Республика Министрлар Советининг қарори билан СЖК бутунлай таъқиқлаб қўйилди. Эндиликда қоракўлчиликда насл олиш, чорва туёғини ўстириш яхши изга тушиб олди.

Ўшанда газетанинг кучини, таъсирини илк бор сезганман. Тўғриси, шу-шу «Совет Ўзбекистони» газетасини жуда-жуда ҳурмат қиламан, қадрлайман. Бугун унинг 70 йиллик тўйи куни редакцияда ишлаётган барча журналистларни дил-дилдан қутлайман ва уларга қайта қуриш жабҳаларида олиб бораётган ижодий ишларида катта ютуқлар тилайман. Истагим, газета бундан буён ҳам жанговар бўлаверсин!

**Ғ. ОБИДОВ,**
**Навоий область, Нурота районидаги «Ғозғон» совхози бош чўпони, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегати.**

### ЙИЛЛАР ЎТАВЕРАДИ...

Инсон босиб ўтган йўлига назар ташлаганда ҳаётда қоқилган дамларини, қувончдан оламга сиғмаган дақиқаларини эслайди. Шу тариқа ўз умрига баҳо беради. Зеро, газетанинг ҳар бир чоп этилган сони унинг «ҳаётида» қўйилган бир қадамдир.

Йиллар ўтавераркан, бироқ газета учун 70 йиллик тарих бу ҳазилакам ёш эмас. Деярли Октябрь тенгдоши демак, янги бунёд этилган совет жамияти, доҳий тамал тоши қўйган дастлабки дорилфунун тенгдоши демак. Газета бу жонли тарих, ҳаётимиз ойнаси десак муболаға бўлмас.

Ярим асрдан кўпроқ вақтдан буён «Совет Ўзбекистони» менинг яқин ҳамроҳим. Газетага шунчалик боғлангандимки, кундалик сонини кўрмасам, ўқимасам гўё дунёда нима бўлаётганидан бехабардек, ҳаётдан узилиб қолгандек бўлардим. Тарки одат амри маҳол деганларидек, ҳозир, кексайганимда ҳам шу.

«Совет Ўзбекистони» ҳамиша партия кўрсатган йўлдан қадам ташлади. Совет ҳукумати сиёсатини, давлатимиз қарорларини халқ оммасига етказиб, тушунтириб берувчи билимдон ўқитувчи бўлиб келди. Айни пайтда ўз ўқувчиси, газетхонларининг ҳам дил сўзларига қулоқ тутди, уларга яқин маслаҳатгўй бўла олди. Бундай фикрларни мен ҳамкасбларимдан, шогирдларимдан кўп марта эшитганман.

Бугун шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, газета мавзуи хилма-хиллиги, у кенг газетхонлар оммасига мўлжалланганлиги билан ўз ўқувчисини ахтариб ўтирмайди. Айниқса, мамлакатимизда катта ўзгаришлар рўй бераётган, ҳамма дилидаги гапларни очиқ айта оладиган ҳозирги кунда газета халққа янада яқин бўлиши керак, назаримда. У том маънода халқ минбарига айлансагина янада оммабоп бўлиши шубҳасиз. Қолаверса, газета саҳифаларида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, олий ўқув юртларида етук мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоларига оид долзарб мавзуларга янада кенгроқ ўрин берилишини истардим.

Йиллар ўтаверади, газета умри эса ҳаётдек боқийдир.

**Т. САРИМСОҚОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.**

## МАТБУОТ— ТАРБИЯЧИ

Кундалик иш фаолиятимни газета ўқишдан бошлашга одатланганман. Ошкоралик ва демократия ривожланиб бораётган ҳозирги пайтда матбуотнинг таъсирчанлиги ва жанговарлиги ошиб бормоқда. Турғунлик йилларида танқиддан холи зоналар ҳисобланган партия ташкилотларининг камчиликлари, айрим партия ходимларининг фаолиятларига эндиликда принципиал муносабатда бўлинмоқда. Ана шундай мақолаларни дарров ўқиб чиқаман. Зеро булар ишимиздаги нуқсонларни йўқотишга ёрдам беради.

«Совет Ўзбекистони»да идеология ходимлари учун фойдали бўлган қатор назарий ва амалий мақолалар, партия ташкилотлари ишидаги илғор тажрибалар, янгича иш услублари тарғиб қилинган материаллар бериб борилаётгани яхши бўляпти. Айниқса, биз совет турмуш тарзини қарор топтиришда, қишлоқ турмуш маданиятини юксалтиришдаги фаолиятимизда газетанинг маслаҳатидан, йўл-йўриғидан кўпроқ фойдаланяпмиз.

Районимизда янгича урф-одатларни жорий этиш ва атеистик тарбия соҳасида муайян ишлар қилиняпти. Бу тадбирларга район партия комитети қошида тузилган совет турмуш тарзини қарор топтириш кенгаши бошчилик қилмоқда. Матбуотда эълон қилинган янгича анъаналарни тарғиб қилиш борасидаги илғор тажрибаларга асосланиб, аҳоли ўртасида амалга ошириладиган тадбирларни пухта ишлаб чиқяпмиз. Натижада никоҳ тўйлари ортиқча харажатларсиз ўтмоқда. Ёшларга паспорт топшириш, меҳнат илғорларини шарафлаш, ёшларни ишчи ва колхозчи сафига қабул қилиш, «Ўроқ ва Болға» байрамлари, интернационал дўстлик кечалари каби қатор янгича маросимлар турмушимиздан мустаҳкам ўрин олди. «Хотира куни»ни ўтказиш ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бундай тадбирлар, «Касбим—фахрим» мавзуидаги учрашувлар айниқса, ёшларда катта таассурот қолдиряпти. Жумладан, «Россия» колхози аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор З. Алиева, «Ленинград» колхози сут соғувчиси Ленин орденли Т. Сиддиқова ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Х. Қўчқоровалар билан бўлиб ўтган учрашувлардан кейин ўрта мактабни битираётган ёшларнинг кўпчилиги қишлоқда қолиб ишлаш истагини билдиришди.

«Совет Ўзбекистони» газетасида атеистик мавзуида берилаётган материаллар айниқса, бизга қўл келмоқда. Бундай мақолалар партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларида, меҳнат коллективларида, қишлоқ Советларида атрофлича муҳокама қилиниб, ундан тегишли хулосалар чиқариб оляпмиз. Ҳозирги пайтда шу асосда Абдулла Набиев номли, Карл Маркс номли, «Правда» колхозларида атеистик клублар ташкил этилган. Бу жойларда «Хотин-қизлар ва дин» «Диннинг зарарли оқибатлари», «Ичкилик—иллат» мавзуида давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Район ёшларининг уруш ва меҳнат ветеранлари билан бўладиган учрашувлари ҳам анъанага айланиб қолди. Кейинги пайтларда Улуғ Ватан уруши иштирокчилари ўз қўллари билан мингдан зиёд мевали кўчат ўтқаздилар. Бу кўчатларни мактаб ўқувчилари меҳр билан парвариш қилишмоқда. Ипакчилик совхози партия ташкилотининг ташаббуси билан Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ҳамқишлоқларимиз шарафига «Ёдгорлик хиёбони» барпо этилди. «Ленинград» колхози аъзолари уруш даврида ўз жамғармаларига танк сотиб олишган эди. Фашистларни даҳшатга солган ўша танк ҳозир хўжалик марказий қўрғонига олиб келиб ўрнатилди.

Бу ишларнинг амалга оширилишида жонажон газетамиз — «Совет Ўзбекистони»нинг алоҳида роли бор. Шахсан менинг партия ходими сифатида шаклланишимда ҳам газетанинг хизмати бор эканлигини бугун алоҳида таъкидламоқчиман.

**Р. ЖУМАНИЁЗОВА,**
**Хўжаобод район партия комитети секретари.**

## ЖАСОРАТГА ДАЪВАТ ЭТГАН САТРЛАР

Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларида Ўзбекистондан борган 90- ва 94- алоҳида ўқчи бригадалар Москва мудофааси зонасида турарди. Бригада командир ва солдатлари Ўзбекистондан келтирилган газеталарни, шу жумладан «Қизил Ўзбекистон»ни сабрсизлик билан кутишарди. Унинг ҳар бир сатри, ҳар бир жумласини ҳижжалаб, синчиклаб ўқишарди.

Сўнгра бригадамизни Сталинград жангига юборишди. Бу 1942 йилнинг ноябрь — декабрь ойлари — қаҳратон қиш эди. Фельдмаршал Паулюснинг тиш-тирноғигача қуролланган 330 минг кишилик армиясини қуршаб олиб, тор-мор қилиш учун энг оғир жанглар давом этарди. Ана шу даҳшатли дақиқаларда ҳам газетани қўлдан қўймасдик. Республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоевнинг вафоти ҳақидаги қайғули хабарни ҳам газета орқали билиб қаттиқ ташвишга тушганмиз. У бизни 1942 йил август ойида фронтга кузатар экан, оқ йўл тилаб, кузатиб қолган эди. Биринчи ўзбек қаҳрамони Қўчқор Турдиевнинг жасорати ҳақидаги, Фарғона область Бешариқ районидан лейтенант Сирожиддин Валиевнинг мислсиз мардлиги ва унинг Ленин ордени билан мукофотланганлиги ҳақидаги қувончли хабарларни ўқиганимда қанчалар ҳаяжонланганимни фақат Ватан уруши жанггоҳларида жанг қилган кишигина тасаввур этиши мумкин.

Армиямизнинг жанговар ғалабалари ҳақидаги хабарлар, шаҳар ва қишлоқларимизни душмандан тозалашда жангчиларимиз кўрсатаётган мислсиз жасоратлари ҳақидаги очерк ва лавҳалар, Олий Бош қўмондоннинг буйруқларини ҳам унинг саҳифаларидан ўқирдик. Шунингдек, фронт орқасида республикамиз меҳнаткашларининг қаҳрамонона меҳнати тўғрисидаги ҳаяжонли сатрлар билан танишардик. Газетада босилган материаллар бизнинг ғалабага бўлган ишончимизни оширар, унинг даъваткор сатрлари гитлерчиларга қарши жангларда жасоратга чорларди. Газета фақат она-Ватанимиз тупроғида бўлган жанглардагина эмас, Рейхстаг гумбазларига Советларнинг Ғалаба байроғи тикилган онларда ҳам бизга ҳамроҳ бўлган.

Газета юбилейи муносабати билан менда яна бир истак бор. У ҳам бўлса редакция коллективи келгуси ишларида ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик, она-Ватанимизга, партия ишига чексиз садоқат, совет интернационализми руҳида тарбиялаш ишига эътиборни янада кучайтиради деган умиддаман.

**С. ОХУНЖОНОВ,**
**Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, истеъфодаги генерал-лейтенант.**



Ушбу суратда «Қизил Ўзбекистон»нинг 1924 йилдаги дастлабки сонларини чиқарган матбаачиларни кўриб турибсиз. Улар ёш миллий матбуотни ривожлантиришда билимларини, куч-ғайратларини аямай сарфлаган фидойилар сифатида ҳурмат-эътибор қозонишган эди.

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми маданий-маърифий ишларга, меҳнаткашларнинг ҳаваскорлик ижодиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги ва актив жамоат фаолияти учун ҳунар-техника таълими республика маданият уйи эстрада ансамблининг бадиий раҳбари ўртоқ Рефат Олимжонович **Ашировга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.



Журналистлар. Ўт юракли кишилар. Улуғ Ватан уруши бошланганида бир қанча журналистлар қаламни қурол билан алмаштирдилар. Душманга қарши аёвсиз жанг қилдилар. Фронт газеталарида ишладилар. Улар орасида Рустам Абдураҳмонов, Тўлқин Рустамов, Жалол Азизхонов, Мумтоз Муҳамедов, Мели Жўраев, Адҳам Раҳмат, Назир Сафаров, Адҳам Ҳамдам, Иброҳим Раҳим, Малла Абдуллаев, Мирзакалон Исмоилий каби таниқли журналистлар бор эди.

Минг афсуски, уларнинг айримлари урушдан қайтиб келишмади. Сиз мана бу суратда шуларнинг баъзиларини кўриб турибсиз: 1. Зефо Шамсутдинова. 2. Наъмат Абдуллаев. 3. Абдулла Шарофиддинов. 4. Ҳасан Иззатий. 5. Ориф Аъзамов.

## ОШКОРА ВА ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

**Редакциянинг бирор кунини меҳнаткашларнинг хат-хабарларисиз, гражданларнинг қабулхонага мурожаат қилиб келишларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Матбуотнинг оммавийлик сири ҳам худди ана шунда. Газета ва газетхон — бир оила. Шундай экан, уларнинг орзу-истаклари ва ташвишлари билан яшаш кишига юксак масъулият юклайди. Зеро, омма заковати, ақл-идрокидан баҳра олишнинг ўзи катта бахтдир.**

Конвертларни очиб, хатлар дунёсига ғарқ бўлишнинг ўзгача гашти бор. Уларнинг мазмун-мундарижаси ранг-баранг. Аксарият мактубларда ҳозирги қайта қуриш, ошкоралик ва демократиялашга дахлдорлик кўпроқ намоён бўлаётир. Булар кишини қувонтиради. Тўғри, шу билан бирга жойлардаги жиддий камчилик ва нуқсонларни баён этувчи ариза ва шикоятлар ҳам оз эмас. Энг муҳими, бугунги газетхон актив ҳаётий позицияда туриб, кўпроқ ўзини эмас, умумдавлат ва халқ манфаатини кўзлаб, бонг урмоқда, лоқайдлик ва бефарқлик иллатларидан қутулиб бораётир.

Газетамизга келаётган шикоят хатларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳали айрим жойларда меҳнаткашларнинг аризаларига эътиборсизлик билан қараш фактлари қайд этилмоқда. Ҳамиша ҳам хат ортида инсон бор, деган нақлга амал қилинмайди. Масъул ходимлар ўз қабулига келган кишиларга нисбатан бюрократик, сансалорлик, расмиятчилик, қуруқ ваъдабозлик қилаётирлар. Булар нимани кўрсатади? Айрим раҳбарлар ҳамиша ҳам омма билан доимий мулоқотда бўлмайдилар, улар билан учрашиб, очиқчасига ва ошкора гаплашмайдилар. Умуман, омма билан жонли мулоқотнинг муҳим воситаси бўлмиш «Очиқ хатлар кунлари»ни ўтказиб туриш фақат фойдадан холи эмаслигини тушуниб етмайдилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1981 йилдаги меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қарорида: «Ўзини яхши кўрсатган очиқ хатлар кунлари, раҳбарларнинг хатлар билан ишлаш тўғрисида меҳнат коллективлари олдида берадиган ҳисоботлари, гражданларнинг конкрет аризаларини жойларда таҳлил этиш ва уларни шахсан қабул қилиш учун раҳбар ходимларнинг бевосита корхоналарга, қурилишлар, колхозлар, совхозларга ҳамда аҳолининг истиқомат жойларига бориб туриш тажрибасидан активроқ фойдаланилсин», — дейилади. Мана, саккиз йилдирки, «Совет Ўзбекистони» газетасида «Очиқ хатлар кунлари» рубрикаси доимий бўлиб қолди. Ҳар йилнинг бошида редколлегияда барча областларда ўтказиладиган «Очиқ хатлар кунлари» масаласи кўриб чиқилади. Бунда унинг тематикаси, ўтказиладиган жойи ва муддати, ҳатто унда иштирок этувчи масъул ходим ҳам белгилаб қўйилади. Бу ишларни амалга ошириш редакциянинг хатлар ва оммавий ишлари бўлимига топширилади. Шундан кейин область мухбирларимиз тегишли партия, совет, касаба союз, комсомол, хўжалик ташкилотларининг масъул ходимлари билан ҳамкорликда бу ишни бажаришга киришадилар. Шуниси қувонарлики, кейинги йилларда «Совет Ўзбекистони» газетаси ўтказаётган бундай жонли ва ошкора мулоқотда республикамизнинг қатор министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари раҳбарлари, масъул ходимлари фаол қатнашмоқдалар.

Аввало, омма билан бундай очиқчасига гаплашишнинг самараларини нималарда кўриш мумкин? Биринчидан, меҳнаткашларнинг активлиги, қолаверса, ўз хўжалиги, ташкилоти ва райони, қўйингки, области учун астойдил жон куйдириш ҳисси, масъулияти ортиб бораётир. Иккинчидан, жойлардан юқори органларга, жумладан, газета редакцияларига аризалар оқимини камайтиради. Учинчидан эса, раҳбарлар ва масъул ходимлар кўпроқ қайси масалалар ва муаммоларга эътиборни кучайтириш зарурлигини аниқлаб оладилар. Қўйингки, ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид, камчилик ва нуқсонларга муросасизлик принципи янада мустаҳкамланади.

Редакциямиз коллективи бу муҳим оммавий тадбирга алоҳида диққат билан қараб келаётир. Унинг амалий натижаси учун курашиб, кўтарилган актуал проблемаларнинг ҳал этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиб бормоқда. Шу тариқа «Совет Ўзбекистони» «Очиқ хатлар кунлари» материаллари изидан» рубрикаси пайдо бўлиб, ўша жонли мулоқотда ишлаб чиқилган тадбирларнинг бажарилиш якунлари билан газетхонларимиз хабардор қилиб борилаётир. Бир мисол. Ўтган йили редакциямиз Қарши шаҳар партия комитети билан биргаликда «Каршистрой» бошқармасида «Очиқ хатлар куни»ни ўтказганди. Ўшанда уй-жой, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа бир қатор муаммоларни тезроқ ҳал этиш «Каршистрой» ва «Главсредазирсовхозстрой» раҳбарлари олдига кўндаланг қилиб қўйилганди. Хўш, чўлқуварларнинг ҳақли талаблари шу ўтган давр ичида қандай бажарилди? Қашқадарё область мухбиримизнинг хабар беришича, мазкур бошқармалар раҳбарлари ва масъул ходимларининг ваъдалари ҳамон ваъдалигича қолмоқда. Демак, газетамиз ўз назоратидаги бу мавзуга яна қайтишга, танқидий чиқиш қилишга мажбур.

Омма билан яқиндан тил топишнинг яна бир янги формаси пайдо бўлди. У ҳам бўлса, барча областларда «Совет Ўзбекистони» кунлари»ни ўтказиш анъанавий тус олиб бораётир. Редакциямиз ижодий ходимлари пахта усталари, чорвадорлар, механизаторлар, саноат корхоналари меҳнатчилари ва бошқа касб эгалари ҳузурида бўлиб, қайта қуриш, демократиялаш юзасидан суҳбатлар ўтказмоқдалар. Бу ишлардан мақсад — журналистларнинг ҳаётга чуқурроқ кириб боришини, омма билан доимий ҳамнафас бўлишини таъминлашдан, жойларда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни очиб ташлашдан, ариза ва шикоятлар оқимини кескин камайтиришдан иборат.

**М. МУҲСИМОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири.**

